# Аҳолини рўйхатга олиш

**Аҳолини рўйхатга олиш** — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи **шахсга доир маълумотларни йиғиш** ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг **асосий мақсади** — Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган **ишончли ва холис ахборотни олишдан иборатдир.**

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари

- Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини **давлат томонидан тартибга солиш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури саволлари

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш натижасида шакллантирилган **йиғма статистик ахборот** аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидир.

**М. Хайруллаев**

**Узун туман Статистика бўлими бошлиги**